

Германия судида муслима ўқитувчининг ҳуқуқлари тикланди



16:06 / 29.11.2018 2439

Анчадан бўён Германия жамоатчилиги орасида муҳокамага сабаб бўлиб келаётган мавзуга нуқта қўйилди, деб ёзмоқда немис матбуоти. Гап шундаки, яқинда Бранденбург вилояти суди томонидан чиқарилган қарорда, аввало Берлин суди томонидан берилган ҳукмнинг ноҳақлиги маълум қилиниб, сўнгра бошига рўмол ўрагани сабабли ишдан четлаштирилган ўқитувчига 1,5 баравар (6 минг евро) ойлик маоши миқдоридан товон тўлаш шартлиги баён этилган. Бу ҳақда IQNA ахборот агентлиги “Anadolu Agency”га таянган ҳолда хабар бермоқда.

Ҳукмдаги шарҳда рўмол ўраган ҳолда ўқитувчилик қилишни хоҳлаган аёл “Бетарафлик тўғрисида”ги қонун талабига кўра обрўсини йўқотган ва ишлашга рухсат этилмаган. Бу ҳолат эътиқоди боис инсонни ноқулай аҳволга солиб қўйган, дейилган. Шунингдек, суд қарори Федерал судда шикоят қилиш учун очиқ экани ҳам таъкидланди.

Ўқитувчининг адвокати Марям Ҳошимийнинг немис матбуотига берган баёнотида, гарчанд қарор устидан шикоят қилиш мумкин бўлса-да, Конституциявий суддан “Бетарафлик тўғрисида”ги қонунни қайта кўриб чиқишни талаб этишини ва шу тариқа мазкур қонунни олий Қомус билан

мувофиқлигини таъминлашга эришмоқчи эканлигини маълум қилган.

Маълумки, ўқитувчи аёлнинг бош кийим билан дарс беришни сўраб Берлин вилояти судида очган даъво аризаси, Берлинда 2005 йилда қабул қилинган “Бетарафлик тўғрисида”ги қонун талабларига кўра рад этилган эди.

Islom.uz портали таҳририяти